

**КООБ-500 БРОЙЛЕР КРОССИ ЖЎЖАЛАРИНИНГ
ҚОН ТАРКИБИ**

Б.А.Жолдасбаев, таянч докторант

Турганбаев Р.У, илмий раҳбар, қ.х.ф.д., профессор

*(Самарқанд давлат ветеринария медицинаси университети
Нукус филиали)*

***Аннотация.** Ушбу мақолада бройлер жўжсаларининг қон таркибига кирувчи эритроцит, лейкоцит ва гемоглобин миқдор кўрсаткичлари аниқланган ва гуруҳлар орасида таҳлил қилиниб, хулосалар берилган.*

***Калим сўзлар.** Қон таркиби, эритроцит, лейкоцит, гемоглобин, кобб-500” кросси.*

***Annotation.** In this article, the content of erythrocytes, leukocytes and hemoglobin in the blood of broiler chickens is determined and analyzed by group and conclusions are given.*

***Key words.** Blood composition, erythrocytes, leukocytes, hemoglobin, Cobb-500 cross."*

Кириш. Қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари паррандаларнинг физиологик ҳолати ва саломатлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон республикаси мустақиллик йилларида илмий лабораторияларнинг асбоб-ускуналар базаси сезиларли даражада янгиланди, классик тадқиқот усуллари улар учун мўлжалланган реагентлар тўпламига эга автоматик гематологик ва биокимёвий анализаторлар билан алмаштирилди, бу эса таҳлил тезлигининг ошишига олиб келди.

Паррандалар қонининг морфологияси ва биокимёси бўйича кенг ва қарама-қарши материаллар мавжуд бўлиб, кўпчилик соҳа олимлари [2.С. 105-108] қон таркибини гематологик анализаторлар ёрдамида ўлчашни

таклиф қилса, бунга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуддир [5.С. 203-205]; [3.С. 903-911].

Шуни таъкидлаш жоизки, барча анализаторлар парранда қонини текшириш учун мўлжалланмаган, бу эса бузилган ёки мутлақо ишончсиз натижаларга олиб келади. Горяев камерасида қизил қон ҳужайраларини ҳисоблаш усули соддалиги ва қулайлиги туфайли энг кенг тарқалган фойдаланиш усули ҳисобланади [4.С. 86].

Асосан, қизил қон ҳужайраларининг вазифалари кислородни ўпкадан тўқималарга ташиш, карбонат ангидридни тўқималардан ўпкага ташишда иштирок этиш, озуқа моддаларини ташиш, қоннинг кислоталилигини нисбатан доимий даражада сақлашда иштирок этиш, уларнинг юзасида захарларни адсорбция қилишдир. ва уларни моноклеар фагоцитлар тизимининг ҳужайраларига ўтказишдир [1.С. 88-89].

Асосий қисм. Гемоглобин карбонат ангидридни тўқималардан ўпкага ташишда, организмда кислота-ишқор мувозанатини сақлашда иштирок этади, яъни буферлик хусусиятига эга.

Лейкоцитлар-цитоплазмаси ва ядроси бўлган оқ қон ҳужайралари ҳисобланади. Улар иккита катта гуруҳга бўлинади - донатор (гранулоцитлар) ва донатор бўлмаган (агранулоцитлар). Донатор лейкоцитлар цитоплазмасида доналар (гранулалар) мавжуд. Буларга базофиллар, эозинофиллар ва нейтрофиллар киради. Донатор бўлмаган (агранулоцитлар) лейкоцитлар лимфоцитлар ва моноцитларга бўлинади.

1-жадвал

Кооб-500 жўжаларининг қоннинг морфологик таркиби, (35 кунлик)

Қоннинг морфологик таркиби			
Тажриба гуруҳлари	Эритроцит 10 ¹² / литр	Лейкоцит минг / мм ³ 10 ⁹ / литр	Гемоглабин г/литр
I-гуруҳ 0 %, (n=5)	2,99±3,8	26,01	106,8
II-гуруҳ +5%, (n=5)	3,22±2,7	29,08	99,9
III-гуруҳ +10%, (n=5)	3,39±4,8	31,01	101,5
IV-гуруҳ +15%, (n=5)	2,91±5,8	27,05	98,3

Келтирилган 1-жадвал маълумотларида, эритроцитлар I-гурух (0 %) (n=5) $2,99 \pm 3,8 \cdot 10^{12}$ / литр-ни ташкил қилган бўлса, II-гурух (+5%) (n=5) жўжаларида $3,22 \pm 2,7 \cdot 10^{12}$ / литр-га, III-гурух (+10 %) (n=5) да $3,39 \pm 4,8 \cdot 10^{12}$ / литр ва IV-гурух (n=5) (+15 %) жўжаларида эса, $2,91 \pm 5,8 \cdot 10^{12}$ / литр-га тенг бўлди. Шунга мос равишда лейкоцит миқдори 26,01; 29,08; 31,01 ва 27,05 минг/мм³-га тенг бўлди. Гемоглабин миқдори I-гурухдагилар 106,8 г/литр,

II-гурух жўжаларида 99,9 г/литр, III-гурухдагиларда 101,5 г/литр ва IV-гурух жўжаларида эса, 98,3 101,5 г/литр-и ташкил қилди.

Хулоса. Назорат ва барча тажриба гуруҳдаги жўжаларда қон морфологик таркиби бўйича мър атрофида бўлиб, гуруҳлар орасида кескин фарқланишлар кузатилмади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Герасименко, В. В. Гематологические показатели у цыплят-бройлеров при введении в рацион лактобактерий и селена. Фундаментальные исследования. 2011. № 8. С. 88-89.
2. Колесник, Е. А. Корреляционная взаимосвязь сохранности и клиник биохимических параметров у бройлеров кросса ISA15. Известия Оренбургского государственного аграрного университета. 2011. Том 3. № 31-1. С. 105-108.
3. Макаев, Ш. А. Морфо-биохимические показатели крови у бройлеров при коррекции рациона солями и наночастицами. Сельскохозяйственная биология. 2016. Том 51. № 6. С. 903-911.
4. Садовников, Н. В. Общие и специальные методы исследования крови птиц промышленных кроссов. Санкт-Петербург. Уральская государственная сельскохозяйственная академия, 2009. 86 с.
5. Торшков, А. А. Морфо-биохимические исследования крови у сельскохозяйственной птицы. Известия Оренбургского государственного аграрного университета. 2010. № 3(27). С. 203-205.